Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 6 май, пайшанба

№ 82 (21.433).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми тўғрисида

А Х Б О Р О Т

5 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VII кенгайтирилган пленуми бўлди. Унда «Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлатга айланиши йўлидаги тараққиёт ва янгиланиш — партиянинг бош мақсади» ҳамда «Республика Олий Кенгашининг XII сессиясига тақдим этилган масалаларга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши билан депутатлар партия гуруҳининг муносабати ва уларнинг вазифалари тўғрисида»ги масалалар муҳокама қилинди. Шулар юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов маъруза қилди.

Маъруза бўйича музокараларда Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Собиржон Усмонов, Наманган вилоят Чуст тумани партия кенгашининг биринчи котиби Шукуржон Раҳматуллаев, Сурхондарё вилоят Узун тумани партия кенгаши котиби, Ўзбекистон халқ депутати Зулхумор Ниёзова, Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз тумани партия кенгашининг биринчи котиби Мансур Остонов, Самарқанд шаҳар ҳокими, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси, республика халқ депутати Азиз Носиров ва Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ балиқчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, ХДП Марказий Кенгаши аъзоси Турсунбой Генжемуратов қатнашдилар. Улар маърузада баён этилган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда депутатлар партия гуруҳининг республика Олий Кенгаши XII сессиясига тақдим этилган масалаларга нуқтаи назари ва бу борада қўйилган вазифалар юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. У. А. Абдураззоқов билан А. Ж. Маматов Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси аъзолигидан озод қилиндилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ҳамда Наманган вилояти ҳокимининг муовини Д. Дадажонова Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг аъзоси этиб сайландилар.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши пленумида партия аъзоси бўлмиш Ўзбекистон халқ депутатлари, республика вилоятлари ҳокимлари, вазирлар, давлат концернлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари қатнашдилар.

(Пленумдаги маъруза ва у юзасидан қабул қилинган қарор газетанинг кейинги сонларида берилади).



ҚАҲРАМОННИНГ НАВБАТДАГИ БАҲОРИ

Мамлакатимиз деҳқонлари бу йилги кўкламни алоҳида шодиёнали қувонч билан кутиб олишди. Наврўз байрами ҳам кўнгилдагидек ўтди. Юз минглаб гектар ерларга экилган чигит қийғос униб чиқди. Наманган районидаги «Ғайрат» жамоа хўжалигида ҳам униб чиққан ғўза ниҳоллари парвариши бошлаб юборилди. Хўжаликнинг бошқа экин майдонларига қараганда тажрибали пахтакор, Меҳнат Қаҳрамони Абдураҳмон Жўраев бошлиқ бригада далаларида эртароқ яшил пайкаллар ҳосил қилинди. Бу албатта Абдураҳмон отанинг катта тажрибаси натижаси.

Ҳозир оқсоқол 75 ёшга қадам қўйди. У умрининг ярмига яқинини пахтачиликка бағишлади. Унинг катта тажрибаси ва ишбилармонлиги ҳар йили мунтазам равишда мўл ҳосил олиш имкониятини бермоқда. Отахон ўз тажрибасини ёшларга, фарзандларига ва невараларига ўргатмоқда. Ўтган йили ҳам у бошчилик қилаётган пудрат жамоаси режани ортиғи билан бажарганди. 67 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиниб, Наманган районида биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекилганди.

Шуниси қувончлики, бригада аъзоларининг даромади ҳам чакки бўлмади. Ўтган йили пахта сотишдан етти миллион сўм фойда олинди. Толани сотишдан эса яна етти миллион сўм фойда олиш кўзда тутилмоқда. Демак, бундан буён пахтачилик деҳқонга фойда келтирмоқда. Шу боис ҳам бригада деҳқонлари бу йил ўтган йилги ютуқларни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилишаётир.

СУРАТДА: мамлакатимизнинг таниқли пахтакорларидан бири Абдураҳмон Жўраев.

Ш. АЛИМОВ олган сурат (ЎзА).

Ўзбекистон—Германия

«ЎЗБЕКИСТОН—УЛКАН ЖУҒРОФИЙ-СИЁСИЙ МИНТАҚАДАГИ БУЮК ДАВЛАТ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз расмий делегациясининг Германия Федератив Республикасига сафари муваффақиятли ўтди. Ўзбекистон миллий ахборот маҳкамаси мухбири Амирқул Карим республика ташқи ишлар вазири Содиқ САФОЕВ билан шу сафар якунлари хусусида суҳбатлашди.

— Маълумки, Германия — жаҳондаги энг ривожланган давлатлардан бири. Шу сабабли у билан алоқаларни кенгайтириш, барқарорлаштириш истагида бўлган мамлакатларнинг сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Айтингчи, Германия билан алоқаларни кенгайтириш бизга нима беради?

— Дарҳақиқат, Германия жаҳоннинг энг ривожланган, қудратли давлатларидан биридир. Ривожланган етти мамлакат орасида ҳам унинг мавқеи ғоят улуғ. Немис маркасининг қадри эса кун сайин ортиб бораётир.

Муҳими, Германия юқори даражада такомиллашган технологияларга бой мамлакат. Ўзбекистонда эса хом ашё, ишчи кучи жуда кўп. Мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлиги ҳар икки томон учун ҳам ғоят фойдалидир. Президентимизнинг сафаридан мақсад ҳам аввало Германия жамоатчилигини, ишбилармон доираларини, мамлакат раҳбариятини Ўзбекистон ва унинг имкониятлари билан таништиришдан, уларни ўзаро фойдали ҳамкорликка чорлашдан иборат эди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, Германия раҳбарияти, савдо-саноат доиралари Ўзбекистон делегациясини алоҳида эътибор, ҳурмат билан қарши олдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Германия раҳбарлари тарихий жараёнларда азалдан муҳим ўрин тутиб келган Ўзбекистонни «Ўрта Осиё калити», «улкан жуғрофий-сиёсий минтақадаги буюк давлат» деб баҳолаб, мамлакатимиз билан алоқаларни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирдилар.

Мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, собитқадамлик билан олиб борилаётган сиёсат, моддий бойликларимиз, чет эл сармоясини жалб этиш учун мамлакатимизда яратилган кенг имкониятлар бу қизиқишнинг асосий омили бўлди. Гап Ўзбекистонга эътибор ҳақида борар экан, кичик мисол келтирмоқчиман. Ўзбекистон делегациясидан илгарироқ Россия ва Қозоғистон давлат раҳбарлари Германияга ташриф буюрган эдилар. Улар билан учрашувларда Германия савдо-саноат доираларидан элликдан ортиқроқ киши қатнашган бўлса, Президентимиз билан учрашувда 150 дан зиёд йирик банк соҳиблари, ишбилармонлар иштирок этибгина қолмай, фаол мулоқотда бўлдилар.

— Германия йигирманчи аср иккинчи чорагида икки йирик ислоҳотни бошдан кечирди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот муваффақиятини таъминлашда унинг тажрибаси жуда асқотиши мумкин. Ўзаро музокаралар чоғида бу хусусда ҳам сўз бордими?

— Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Людвиг Эрхард ислоҳоти туфайли Германия вайрона мамлакатдан дунёнинг тараққий этган давлатига айланди. Буни «Германия мўъжизаси» деб атайдилар. Германиянинг бирлашувидан сўнг мамлакат янги ислоҳот палласига кирди. Шарқий ерларнинг бирлашиши туфайли вужудга келган қийинчиликларга қарамай, Германия ҳамон тараққиётда барқарорлик билан жаҳон аҳлини ҳайратга солаётир. Бироқ, марказдан режалаштириш асосига қурилган иқтисодиётни янги изга кўчириш осон кечмайди. Шу сабабли Германия Федератив Республикаси энг ривожланган социалистик мамлакат ҳисобланган собиқ ГДРнинг бозор иқтисодиётига ўтиши учун йилига 100 миллиард марка сарфламоқда.

Ҳақиқий ислоҳот нималигини сўзда эмас, амалда ҳам яхши биладиган Германия раҳбарияти мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий ва сиёсий концепциясини қўллаб-қувватлашини билдирди. Шу жиҳатдан олганда Германия канцлери Хелмут Коль билан Президентимиз Ислом Каримов ўртасида бўлиб ўтган суҳбат характерлидир. Президентимиз Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш асосий принципи ҳақида сўзлаб берганда, Хелмут Коль жаноблари босқичма босқич, халқ манфаатини ўйлаб тузилган бундай аниқ режани собиқ Совет Иттифоқидаги истиқлолга эришган республикаларнинг бирортасида учратмаганини қайд этди. Ўтиш даври қийинчиликларини енгишда ёрдам беришга тайёр эканини билдирди. Жаҳондаги йирик сиёсий арбоблардан бирининг бундай муносабати мамлакатимиз раҳбариятига ва меҳнаткаш халқига билдирган ишонч дейиш мумкин.

Жаноб Хелмут Коль ва Ислом Каримов ўртасида нафақат расмий, балки оддий инсоний муносабатлар қарор топганини айтиб ўтиш муҳим. Улар ўзаро фикрлашиш, алоқа ўрнатиш мақсадида мунтазам шахсий мулоқот қилиб туришга келишиб олдилар.

— Ўзбекистон ва Германия бундан буён қайси соҳаларда ҳамкорлик қилади?

— Сафар чоғида сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, маданий ҳамкорлик юзасидан муҳим ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Германия илмий тадқиқотлар фондини яратишга ва мутахассислар тайёрлашга келишиб олинди. Германия бу жамғармага 6 миллион марка ажратди. Ҳеч шубҳасиз, юқорида қайд этилган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига кенг имкониятлар очади.

Шу ўринда Германиянинг «Дойче банк», «Коммерс банк», «Аби банк»лари Ўзбекистонда фаолият бошлашга рағбат билдиришганини ҳам айтиб ўтиш ўринли. Жаҳонда машҳур «Мерседес-Бенц» корхонаси эса мамлакатимизда юк машиналари ишлаб чиқара бошлайди.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегациясининг Германияга ташрифи ўзаро манфаатли ҳамкорликда янги уфқлар очади. Бу ҳамкорликнинг самаралари кўп ўтмай нишона беришига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «ЎЗОЗИҚОВҚАТСАНОАТ» КОНЦЕРНИНИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОНЦЕРНИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида озиқ-овқат саноати корхоналарининг иқтисодий мустақиллигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришда уларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш, шунингдек республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги озиқ-овқат саноати «Ўзозиқовқатсаноат» концерни таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг концернни Ўзбекистон озиқ-овқат саноати «Ўзозиқовқатсаноат» давлат — акционерлик концернига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзозиқовқатсаноат» давлат-акционерлик концерни:

Тармоқни ишлаб чиқариш жиҳатидан ва илмий-техникавий ривожлантириш соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, корхоналар ҳамда таркибий бўлинмаларнинг молиявий, инвестиция ва ташқи иқтисодий фаолияти, жумладан, вазирликлар ва идоралар билан ўзаро муносабатлар, давлат эҳтиёжлари учун топшириқларни бажариш, марказлаштирилган тартибда ажратиладиган моддий-техника ресурслари ва капитал маблағларни тақсимлаш масалалари мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

Барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни, шунингдек тармоқни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа юридик шахсларни акциядорлик принциплари асосида бирлаштиради;

Юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини амалдаги қонунлар ҳамда концернинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган устави асосида ташкил этади;

Амалий ишида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик вазирлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилади, тармоқни ривожлантиришга оид истиқболдаги вазифалар масалалари хусусидаги фаолиятни эса вазирлик билан мувофиқлаштиради.

3. «Ўзозиқовқатсаноат» давлат-акционерлик концерни фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

Тармоқни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг узоқ муддатли, истиқбол режаларини, аниқ мақсадга қаратилган илмий-техникавий дастурларини ишлаб чиқиш, сармоялар соҳасида ягона стратегияни амалга ошириш;

Озиқ-овқат тармоғи иншоотлари кенгайтирилишини, қайта қурилиши ва техника билан қайта қуроллантирилишини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг меъёрий ва технологик тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш;

Концернга кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг бозор муносабатларига ўтишида, уларни ижара, жамоа, акционерлик ҳамда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантиришда ёрдам бериш;

Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг коньюнктурасини ўрганиш, фирма савдосини ривожлантириш, хорижий шериклар билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш борасидаги чоратадбирларни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 20 кун муддат ичида Ўзбекистон озиқ-овқат саноати «Ўзозиқовқатсаноат» давлат-акционерлик концернини ташкил этиш ҳамда фаолиятига онд масалалар юзасидан қарор қабул қилиб, унинг тузилмаси ва уставини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 5 май.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Тошкент шаҳар меҳнаткашлари фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Республика пойтахти маҳаллий ҳокимият идораларининг халқ депутатлари Жиззах ва Сурхондарё вилоятларининг навбатдан ташқари сессияларида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Тошкент ҳокими А. Фозилбеков шу масала юзасидан маъруза қилди.

Меҳнаткашлар фаоллари йиғилишида сўзга чиққан кишилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати ўтказаётган ташқи ва ички сиёсатни тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларини айтдилар. Улар Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш учун тошкентликлар бундан буён ҳам кучғайратларини ошираверадилар, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга муносиб ҳисса қўшаверадилар, деб ваъда бердилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

Йиғилиш иштирокчилари Республика пойтахти меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилиб, уларни мустақил Ўзбекистоннинг бахт-саодати йўлидаги ишни кучайтиришга чақирдилар.

(ЎзА).

* * *

ЖИЗЗАХ. (ЎзА). Бу ерда бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилишида ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Жиззах ва Сурхондарё вилоят кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқида баён этилган фикрлар асосида вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими А. Тошкенбоевнинг маърузасида ва сўзга чиққанларнинг нутқларида республика ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини маъқуллаш билан бирга ишда масъулиятни ошириш, йўл қўйилган камчиликларни тезроқ бартараф этиш, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик каби иллатлар тақрорланишига йўл қўймаслик масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов йиғилишда сўзга чиқди.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИ ҚЎМИТАЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Э. Халилов бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида»ги, «Айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги, «Давлат сирларини сақлаш ҳақида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳалари муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳалар Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига киритилади. Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика қўмитасининг шу қўмита раиси Ғ. Заҳритдинов бошқарган мажлисида халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияга доир аҳборот тингланди. Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кодекси лойиҳаси муҳокама қилинди. Бу масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси муҳокамасига ҳавола этилади.

* * *

Олий Кенгашнинг Фан ва экология масалалари қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг жумҳуриятда экологик ҳолатни соғломлаштириш борасидаги фаолияти кўриб чиқилди, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси муҳокама қилинди. Лойиҳа Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига қўйилади. Мажлисда, шунингдек, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патент бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди.

(ЎзА).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси бугун, 6 май куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бугун, 6 май куни эрта билан соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

• *ХДП аъзолари ҳақида ҳикоялар*

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Яқинда ҳокимлик вилоят фаоллари учун дастурхон ёзди. Бу ерда касбилик «полвон»ни ҳам учратдим. Ўтган кузда вилоят ҳокими Т. Ҳидиров пахта тайёрлаш режасини биринчилар қаторн бажарганлиги учун унинг номига йўллаган табригини маҳаллий матбуотда ўқигандик.

Каттаю-кичик унга болалигидан исмининг ёнига «полвон» сўзини қўшиб гап қотиши бежиз эмас. Тўйларда кураш тушиб, елкаси ерга тегмасди-да! Полвонсифат Тоштемир Аминовнинг тўқмоқдек билаклари ҳали ҳам кучга тўла, ғайрати жўшиб турганлигини бир қарашда пайқаш мумкин. Йўқса, Касби районидаги Сайидо Насафий номли давлат хўжалигида қисқа даврда жиддий ўзгариш ясамаган бўларди. Агар ўша серташвиш кунлар эсланса этлар жунжикади.

Тўқсон иккинчи йилнинг илк кўклами. Хўжаликда ер жанжали кўтарилди. Қатағон ва Майманоқ қишлоғилик бир гуруҳ одамлар ер талашиб, сан-манга бориб қолишди. Икки қўшни қишлоқнинг тўйи ҳам, азаси ҳам, қувонч ва ташвишлари ҳам бир. Эт билан тирноқни ажратиб бўлмаса. Нима бўлди уларга?! Ва ниҳоят, раҳбарият бу «иш»га аралашди. Ер масаласи вазминлик ва босиқлик билан ҳал этилди. Фақат у баҳорги ишларнинг бироз белига тепди. Қарийб етти юз гектар ерга вақтида чигит экилмай қолди.

Хўжаликка кимни раҳбар қилиб қўйсак аҳволни тезда ўнглаши мумкин? Вилоят раҳбариятининг боши қотганди. Кенгашиб, аниқ қарорга келишди. Қўшни Алишер Навоий номли давлат хўжалиги бош агрономи ишнинг кўзини билади. Ёшу қарининг ҳурматини қозонган. ХДП аъзоси, партия аъзоларини ўз орқасидан эргаштира олади. Т. Аминов вилоят ҳокимлигига таклиф қилинди. Қўшни хўжалик раҳбарлигини унга тавсия этишди. Аввалига иккиланган Тоштемир охир рози бўлди. У Сайидо Насафий номли хўжаликни қабул қилиб оларкан одамлар билан ишлаш тажрибасини ишга солди. Бировни ака, бировни ука дея улар қалбига йўл топа борди. Ахир, етти йил райондаги «Ғалаба» давлат хўжалигида Яккабоғ районининг тоғли Тошқўрғон қишлоғидан кўчиб келган чўлқуварлар билан ҳам тил топиб ишлади-ку! Сўнг «Партия XX съезди» (ҳозирги Алишер Навоий номли) давлат хўжалигини бошқарди. «Пахта иши» маломати уни ҳам четлаб ўтмади. Бардошли экан, ҳаммасига чидади. Ёруғ кунлар келиб у яна ҳаётда ўз ўрнини топди. Шундай бўлса ҳам унинг бугун янги лавозимга эришганидан ғаши келганлар ҳам бўлди. «Бу хўжаликда ишлар осон кўчмайди», дейишди ҳасад билан улар.

У дастлабки кунларданоқ партия фаолларини ёнига олиб, қишлоқма-қишлоқ, хонадонма-хонадон юрди. Одамлар дардини эшитди. Пахта пайкалларида, фермаларда бўлди. Одамларга томорқа улашила бошланди. Бечораларга моддий ёрдам қўли чўзилди. Тегирмон ва мойжувозлар ишлаб кетди. Бригадирлар, бўлим бошқарувчиларига кенг имкониятлар яратиб берилди. Инсон омилига эътибор ортди. Қарабсизки, ишлар юришиб, майда-чуйда гаплар барҳам топди. Аҳиллик ва осойишталик бор жойда қут-барака бўлишини одамлар тушунишди. Қўлни-қўлга бериб ишга киришдилар. Хўжаликнинг ҳал қилувчи бўғинлари ғайратли, билимдон ёшлар ҳисобига тўлдирилди. Директорнинг ўзи тиним билмай дала кезди. Бош мутахассислардан ҳам шундай ишлашни талаб этди. Апрель ойининг охирига келиб, жами икки минг гектар ернинг ҳайдалмаган етти юз гектари қайта шудгорланиб, чигит экилди.

Хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоғида меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Бунинг илк натижаси ипак қурти боқишда кўзга яққол ташланди. Давлатга режадан ташқари уч тоннадан зиёд, жами 27 тонна пилла топширилди. Дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари тайёрлаш режалари ҳам ошириб бажарилди.

Аҳолига 250 тонна ғалла, уч юз тонна сомон, уч юз тонна беда тарқатилди. Ғўза вегетацияси даврида жонбозлик билан ишлаган илғор сувчи ва механизаторларга 250 минг сўм пул мукофот тарзида берилди. Шунинг учун ҳам ишчилар яхши кайфият билан меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Кузга келиб пайкаллар оқ ҳаридан кўйлак кийди.

Хўжалик йиллик маррани вилоятда биринчилар қатори босиб ўтди. Давлатга режадаги 5320 тонна ўрнига олти минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта топширилди. Шунинг тўрт минг тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди...

Ҳозир Касби районида «полвон»нинг дастлабки қадами чакки эмас, дейишмоқда. Ахир раҳбар бўлса Тоштемирчалик ишлайди-да. Ишқилиб ҳар кимнинг ҳам омадини берсин экан. Айтишларича, хўжалик биргина пахтачиликдан камида икки юз миллион сўм даромад оладиган-, ишчиларнинг ўртача ойлик маоши саккиз-тўққиз минг сўмдан кам тушмайдиган бўлибди.

— Кўп нарса раҳбарнинг ишбилармонлигига, ғайратшижоатига, топқирлигига, қолаверса, зиммасига юкланган ишга тўла масъулият билан ёндашишига боғлиқ, — дейди ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов.—Аввало ҳозирги мураккаб шароитда жамоаларга раҳбарлик қилиш осон эмас. Тоштемир Аминов ХДП аъзоси сифатида ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, ишончни оқламоқда. Бундай партия фаоллари вилоятимизда кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Касби районидаги «Қашқадарё» давлат хўжалиги директори Ураш Муҳаммадиев, Алишер Навоий номли давлат хўжалиги раҳбари Зикриё Асроров, Косон районидаги Беруний номли давлат хўжалиги директори Маҳмуд Бобошарипов сингари ўнлаб тадбиркор, ишбилармон раҳбар, ХДП аъзоларининг саъй-ҳаракати туфайли вилоятимизнинг иқтисодий қудрати тобора ошмоқда.

Халқимизда «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» деган ҳикматли гап бор. Катта карвоннинг норлари ҳисобланган донгдорларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларнинг шижоатли меҳнати оғир юкни енгиллаштиради, олий манзилларни яқинлаштиради.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



АНГОРДА ДАСТЛАБКИ КАЛИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилингандан бери ўтган 1,5 йил ичида кўпгина ўзгаришлар юз берди. Кўпгина саноат маҳсулотлари ўзимизда тайёрлана бошланди. Аввалари оддий калиш ҳам собиқ СССРнинг иттифоқдош республикаларидан келтириларди. Эндиликда бу маҳсулот ўзимизда тайёрлана бошлади. Фарғонада. Ангренда, Жиззахда ана шундай корхоналар ташкил этилди. Шу корхоналар республикамиз аҳолисини калиш билан таъминлашга ҳаракат қилишаётир.

Яқинда Сурхондарё вилоятидан хушхабар олинди. Ангор пахта тозалаш заводида ташкил этилган кичик корхонада калиш ишлаб чиқарилибди. Бу ерда қишлоқ аҳолиси учун зарур бўлган ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарадиган кичик корхона ташкил этилди. Демак, яқин келажакда нанноки Ангор райони, балки бутун Сурхондарё вилояти аҳолиси ушбу ноёб маҳсулот билан таъминланади.

Ангорликлар бу янги ишни ўзлаштиришда унчалик қийналганлари йўқ. Чунки уларга Жиззахдаги «Сўғдиёна» фирмаси яқиндан ёрдам берди. Тузилган шартномага мувофиқ фирма жамоаси ангорликларга хом ашё етказиб беради. Бу хом ашёдан кичик корхонада кунига 800 жуфт калиш тайёрланмоқда. Цехда Молдовадан сотиб олинган замонавий ускуналар ўрнатилган бўлиб, уларни жами 10 киши ишлатмоқда.

Оператор Бахтиёр Ҳаитов, механик Пангин Ҳусанов, ишчилардан Дилафрўз Бобониёзова, Бўри Шербоев, Райҳон Нурматовалар кўпчиликка ибрат кўрсатиб меҳнат қилишаётир.

СУРАТДА: Райҳон Нурматова билан Дилафрўз Бобониёзова ўз меҳнатларидан мамнун.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат (ЎзА).

• *Мустақиллик уфқлари*

МАҒРИБДАН МАШРИҚҚАЧА

ДУНЁНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ТЕМИР ЙЎЛ ЎЗБЕКИСТОНДАН ЎТАДИ

Ўтган йили Ўрта Осиё давлат раҳбарларининг Ашгабат ва Тошкентдаги учрашувларида бу минтақадаги мустақил республикаларнинг жаҳон ҳамжамиятига тезроқ қўшилиши учун транспорт ва коммуникация алоқаларини ривожлантириш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинганди. Жумладан, Парахат — Серахс — Машҳад йўналишида темир йўл қуриб Эрон ва Туркия орқали Ўрта ер денгизига чиқиш ва шу тариқа жаҳонга юз тутиш ҳақида келишиб олинганди.

Очиғи, собиқ Иттифоқ даврида бундай ўзига хос «Ипак йўли»ни қайта тиклашни орзу қилиб бўлмасди. Чунки, «марказ»нинг империячилик сиёсати бунга асло йўл қўймасди ҳам. Эндиликда Туркистон ўлкаси халқлари мустақилликка эришгач, ўз ривожланиш йўлларини эмин-эркин белгиламоқда. Тарихий аҳамиятга молик мазкур темир йўл қурилишининг бошланиши ҳам бунга ёрқин мисол. Мутахассислар фикрига кўра, мазкур иншоот қуриб битказилса, Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистоннинг бевосита ва тўғридан-тўғри Евро-Осиё қитъасига чиқиши, қолаверса, бутун дунё мамлакатлари билан савдо-сотиқ ҳамда транспорт алоқаларини йўлга қўйиши учун қулай имконият яратилади. Бу эса минтақа иқтисодиёти ривожланишини таъминлайди.

— Ҳозир Хитой билан Қозоғистоннинг чегара қисмида «Дўстлик» станцияси қуриб битказилди, — дейди Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутати В. М. Желтоухов. — Бу йўл кейинчалик Ўзбекистон ҳудуди орқали қўшни Туркманистонга, ундан эса Эрондаги темир йўлга уланади. Айни пайтда Туркманистон ҳудудида Парахат — Серахс темир йўли қурилиши қизғин бормоқда. Бу йўлнинг узунлиги 133 километрни ташкил этади.

Ўтган йили Туркманистон ва Ўзбекистон давлат бошлиқлари минтақа учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу қурилишни биргаликда маблағ ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ҳақида маслаҳатлашиб олдилар. Тез орада қурилишга мутасадди бўлган янги уюшма тузилди. Ҳар икки давлат иншоотни тегишли маблағ, ишчи кучи ва моддий-техника ресурслари билан таъминлади. Дарвоқе, қурилишда Ўзбекистонлик 170 нафар ишчи-мутахассис меҳнат қиляпти. Улар учун 112 та машина-механизм ажратилган.

Бу хайрли ишни амалга оширишда Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси жамоаси ҳам фаол қатнашмоқда. Темирйўлчилар муҳим объект учун ўтган йилнинг ўзидаёқ иккита кўтарма кран, экскаватор, тўртта юк автомашинаси, компрессор, 7 километрлик темир йўл бетон шпаллари, рельслар ва бошқа кўплаб қурилиш материаллари етказиб беришди.

Бугунга келиб, Парахат—Серахс йўналишида 30 километр масофага темир йўл ётқизилди, 90 километр масофада ер текислаш ишлари боряпти. Хоразм сув хўжалиги қурилиши, Ўрта Осиё қурилиш-механизация трестлари қурувчилари объектда туркманистонлик ҳамкасблари билан қўлни-қўлга бериб ишлашяпти.

Яқинда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Туркманистонга расмий сафар қилган чоғида мазкур қурилишнинг бориши билан қизиқди. Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов темир йўл қурилиши ҳақида гапираркан, ўзбекистонлик қурувчиларнинг фаолиятидан мамнун эканлигини изҳор этди. Икки давлат раҳбарлари бу иншоотдаги юмушларни тезлаштириш лозимлигини, бунинг учун ҳукуматлар зарур ёрдамни аямасликларини таъкидладилар.

Дарвоқе, Эрон ҳукумати ҳам Серахс — Машҳад йўналишидаги 180 километрлик темир йўл қурилишини бошлаб юборган. Бу қурилишни 1994 йилгача битказиш кўзда тутилмоқда. Умуман, Парахат — Серахс — Машҳад темир йўлини 1995 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Ҳозир ҳар икки мамлакатда бораётган қурилишнинг бориши объектнинг белгиланган муддатда ишга туширилишидан дарак бермоқда.

— Биласизми, — деди Виктор Михайлович сўзида давом этиб, — бу темир йўл тармоғи ишга тушгач, Осиёдан Европага ва, аксинча, Европадан Осиёга юк ташиш бир неча ўн баравар тезлашади. Ўрта Осиё давлатларининг, хусусан Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти билан иқтисодий ҳамкорлик алоқалари кенгаяди.

Кейинчалик Тошкент — Теҳрон, Пекин — Истамбул, Олмаота—Истамбул, Ашгабат — Теҳрон маршрутларида йўловчи поездлар ҳаракати ҳам йўлга қўйилади. Шу тариқа Ўзбекистон дунёдаги кўплаб мамлакатлар йўлларини бирлаштирувчи марказга айланади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
А. БОЛИЕВ.

• *Олот райони 50 ёшда*

Олот шаҳри марказий майдонида ёзилган кенг дастурхон тўрига йигирма жуфт келин-куёв чиқарилди. Олот тумани ҳокимлиги Ўзбекистон Халқ демократик партияси район кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалардан чиққан бу ёшларнинг бошини қовуштиришни ўз зиммасига олди.

Келин-куёвларни туман ҳокими Ғ. Ботиров, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоаларининг вакиллари муборакбод этиб, уларга қимматбаҳо совғаларни топширдилар.

ТЎЙЛАР МУБОРАК

Олот районининг эллик йиллик тантаналари ўзига хос хушнудлик билан бошланди. Мамлакатимизнинг жанубий дарвозаларидан бири бўлган бу район бир вақтлар беповн чўлу биёбонлардан иборат эди. Энди бўлса бу ерда ажойиб шаҳар, қишлоқлар, гуллаб-яшнаган экинзорлар, боғ-роғлар барпо қилинган.

Мана, бир неча йилдан буён олотлик пахтакорлар республикада биринчи бўлиб йиллик режаларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бермоқдалар. Вилоят экинзорларини оби ҳаёт билан таъмин этадиган Аму — Бухоро машина канали шу ердан бошланади.

Навқирон районнинг келажаги порлоқ. Бу ерда пахта тозалаш, консерва ишлаб чиқариш, сут маҳсулотлари заводлари жадал суръатда барпо қилинмоқда.

Юбилей тантаналарида вилоят ҳокими Д. Ёдгоров олотлик меҳнаткашларни ярим асрлик тўй билан муборакбод қилди. Унда иштирок этган вилоят шаҳар ва районларининг вакиллари, қўшни Туркманистон Республикасининг Лебаб вилоятидан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам мезбонларни қутлуғ сана билан табриклашди.

Олотдаги тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев иштирок қилиб, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг район меҳнаткашларига табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Нусратилло НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Муаммо ечимини кутади*

МУКОФОТИ—БИР МИЛЛИОН СЎМ

Хоразмнинг 100-150 йил ва ундан ҳам кўпроқ «умр» кўрган бебаҳо гужумларини «шаҳар мўйловдори» деган очофат қурт ёппасига қуртлятти. Аммо ўша қуртнинг ўзига қирон келтирадиган чора-тадбирни ҳеч ким ўйлаб тополмаётир.

Бундан чорак аср муқаддам Ҳазорасп районининг Бешта қишлоғида ноҳуш бир манзарага дуч келган эдим. Эътиборимни ўшанда биз тагида ўтириб ҳордиқ чиқараётган каттакон бир гужум жалб этганди: қарийб икки аср «умр» кўрган, сарҳовуз ёқасига кўрк бағишлаб турган, ёзда соя-салқин ато этадиган бу антиқа дарахт қурий бошлаган, бадани гўё ўқ теккандек илма-тешик бўлиб кетган эди. Ўша тешиклардан кепакка ўхшаган қиринди тўкилиб, гужум тагида сочилиб ётарди. Сарҳовуз ёқасидаги бошқа гужумларнинг ҳам аҳволи худди шундай эди.

— Буларга бир офат ёпишди, — деганди манзарага изоҳ бериб ҳамроҳларимдан бири. — «Шаҳар мўйловдори» деб аталган бир қурт пайдо бўлиб, гужумларимизни аянчли ҳолга тушира бошлади. У гужумнинг танасини пармалаб, бу ёқдан кириб, нариёқдан чиқади. Ичига кириб олиб, тана еридан оладиган асосий ҳаётбахш озиқ-шарбатни шимиб ўзакни ишдан чиқарар экан! Ўзаги кетдими, тамом — қуримай иложи йўқ. Ашаддий бу кушандани йўқотамиз, деб гужумнинг қурт пармалаб кириб кетган тешикларига чироқ мойи ҳам суртиб кўрдик. Кимёвий дорилар ҳам ишлатиб кўрдик. Ҳатто, эҳтиёт чорасини қўллаб, дарахт танасига электр токи ҳам юбордик. Заррача фойдаси бўлмади. Жони қаттиқ экан. Гужумларимизни қуритяпти-ю, ўзига балоям урмаяпти. Уч-тўрт йил ичида ўнлаб дарахтларнинг бошига етди...

«Неча ўнлаб» ҳам гапми! Бугунги кунда бу рақамни «неча ўн минглаб!», дея тилга олсак ҳато қилмаймиз. Ҳеч ким, ҳатто ҳашаротларга қарши курашадиган «агрохимлаборатория» деб аталган ташкилотларнинг мутахассислари ҳам, олимлар ҳам «шаҳар мўйловдори»ни даф этишнинг ҳанузгача бирон-бир таъсирчан чорасини топишолгани йўқ.

Бугунги кунда Хоразм шаҳар ва қишлоқларини оралаган ҳар бир кишининг қовжираб, қуриб қолган, файзлатофатидан асар ҳам қолмаган гужумларга кўзи тушиб, юрак-бағри эзилиб кетади. Эндиликда эса бу қурт теракларга ҳам, бошқа дов-дарахтларга ҳам чанг сола бошлади. Ноҳуш бу ҳол воҳа экологиясига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яқинда Янгибозор районининг «Бўзқалъа» жамоа хўжалигида хайрли бир бошламанинг гувоҳи бўлдим. Бу ерда қуриган «шаҳар мўйловдори» чанг солиб, ҳалокатга юз тутган гужум ва бошқа дарахтларни кесиб, ёқиб юбориш йўлга қўйилибди.

— «Шаҳар мўйловдори»га қарши курашнинг шундан бошқа йўли йўққа ўхшайди, — дейди жамоага ўттиз йилдан буён раислик қилаётган, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Хўжамурод Сафариёзов. — Бунинг устига қуриган гужумларнинг қуруқ қаққайиб туришидан не фойда! Қуриётгани ҳам кунда бир жонингни ачитади. Бундан кўра, вақтида кесиб ташлаб, ёқиб юборган афзал. Ичидаги қуртлар бошқа ёқларга тарқалмай, уруғи билан бирга нобуд бўлиб кетади.

Оролни асраш республика қўмитасининг шу қишлоқда фаолият кўрсатаётган «Аму» фирмаси бош директори Мадраҳим Матёқубов гужумларни «шаҳар мўйловдори»дан ҳимоя қилиш юзасидан бошлаган ажойиб ташаббус ҳам диққатга сазовор! У «шаҳар мўйловдори»га қирон келтиришнинг самарали йўлини топган кишига фирма жамоаси бир миллион сўм мукофот ажратганини маълум қилди.

Такрорлаш бўлса-да эслатиб қўяйлик: ўша чора-тадбирни топган одамга бир миллион сўм мукофот!

Хоразмда «шаҳар мўйловдори»ни йўқотиб берадиган одамга бир миллион сўм мукофот!» дея ҳали ҳеч ким мардона ташаббус билан майдонга чиқмаган эди.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН ЁМОН

● Пойдеворн мустаҳкам бино боқий бўлишини билганимиздан, кўпинча шунга амал қилиб қурилиш бошлаймиз. Бироқ, республикамиз шароитида фақат пойдеворнигина пишиқ қилиб иншоот қуриш камлик қилади. Сабаби, Ўзбекистонимизнинг кўп ҳудудлари 9 ва ундан юқори балли зилзила бўлиши мумкин деб, топилган минтақаларга жойлашган.

Шу боис, биз, Андижон вилояти меъморчилик ва қурилиш назорати давлат бошқармасининг бир гуруҳ мутахассис назоратчилари шу масала юзасидан ўз йиғилишимизда билдирилган фикрлар билан ўртоқлашмоқчи эдик.

Маълумки, бугунги бозор иқтисодиёти, пулнинг қадрсизланиши ва ҳоказо... сабаблар оқибатида уй-жойлар, иншоотлар қуриш қийинлашмоқда. Бироқ, мустақил республикамиз, она-Ватанимизнинг порлоқ келажагини яратишда қурилаётган ва қурилажак иморатларнинг сифатига кўпроқ эътибор берганимиз маъқул. Бунинг учун, албатта, мустаҳкамлиги ва гўзаллиги билан бутун жаҳон меъморчилиги билимдонлари назарига тушган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарлардаги қадимий биноларнинг умрбоқийлик сир-асрорини обдон ўрганиш зарар қилмайди. Чунки улар неча замон ва қанча офату кулфатларни кўрса-да, ҳануз виқор билан савлат тўкиб турибди.

Тўғри гап туққанимизга ҳам ёқмаса-да, мустақил Ватанимизнинг порлоқ келажаги учун ҳақ гапни, фикрни айтишга жазм этдик. Сўнгги пушаймон, ҳақ гапдан ҳам минг чандон аччиқдир...

Исботи эса 1902 йилдаги Андижон, 1946 йилдаги Чотқол, 1966 йилдаги Тошкент, 1976-1980 йиллардаги Газли, 1987 йилдаги Арманистондаги ва ниҳоят ўтган йили Андижон вилоятида бўлган зилзилалардир. Булар инсонлар бошига не-не кулфатлар ва талафотлар солмади, дейсиз. Қанча-қанча иқтисодий чиқимлар қилишга тўғри келди. 1902 йили Андижон шаҳрида юз берган 9 балли зилзилада 4500 дан ортиқ ёш-қари ҳалок бўлган. Ўша даврнинг қадрли пули ҳисобида 12 миллион сўмлик моддий зарар етди.

Бундай кулфатлар Ўзбекистон халқининг бошига қайта тушмаслиги учун, аввало, вилоятлардаги қурилиш давлат назорати ходимлари масъулиятини ошириш керак. Улар бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини чуқур назоратдан ўтказиб туришлари, қурувчилар йўл қўяётган хато ва камчиликлардан мутахассисларни ўз вақтида огоҳлантириб, хатоларни жойида бартараф этиш чораларини кўришлари лозим. Чунки, ҳозир ҳам бир қанча вилоятларда миллиардлаб сўмлик иншоотлар қурилмоқда.

Афсуски, бугунги кунда қурилиш сифати қаноатланарли эмас. Назоратчилар фаолияти суст. Мавжуд қурилишларни назорат қилувчилар сони бутун вилоятда зўрға 2-3 кишини ташкил этаётгани ушбу соҳанинг иқтисодий қийинчиликлар таъсирида инқирозга юз тутаётганидан далолат эмасми?

Яна бир ачинарли жиҳат шундаки, республикамиз кучли ер қимирлаш ҳудудига жойлашган. Шундай бўлишига қарамасдан, республика қурилиш назорати давлат инспекцияси тугатилиб, вилоятлардаги назоратчилар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Қолаверса улар лойиҳачилар, қурувчи ва назоратчилар қурилиш меъёрларини белгиловчи ўз аниқ дастурларига ҳам эга эмаслар.

Бугунги кунда қурилаётган биноларнинг аксарияти зилзилага бардош беролмаслиги кўриниб турибди. Тарих сабоқларидан тўғри хулоса чиқариш лозим. Тобора заифлашиб бораётган қурилиш давлат назорати бошқармалари ва инспекцияларн фаолиятини қайта тиклаш, керак. Уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш давлат комитетининг жиддий амалий ёрдами зарур. Илоҳим, зилзила бўлмасин. Мабодо ер кучлироқ қимирлагудек бўлса, аҳвол қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин.

Лекин Ватан, ватандошлар тақдири ҳар нарсадан афзал эканини унутмаслигимиз, шунга яраша иш юритишимиз керак. Биноларимизнинг зилзилага бардошли бўлиши ҳақида бугун ўйламасак, эртага кеч бўлади. Сўнгги пушаймондан ёмони йўқ. Шундай эмасми?

Қ. ҚОРАБОЕВ,
Андижон вилояти меъморчилик ва қурилиш назорати бошқармаси бошлиғи.

ТАҲРИРИЯТДАН: Андижонлик мутахассис мақоласида долзарб масала кўтарилган, деб ҳисоблаймиз. Биз бу ҳақда мамлакатимиз уста бинокорлари, билимдон мутахассислари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб умид қиламиз. Айниқса, Ўзбекистон Қурилиш давлат комитети раҳбариятининг муносабатини билишни истардик.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ДЕНОВДА ЁҒ КЎПАЯДИ

Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақл бор. Дарҳақиқат, дўст бошига иш тушганда билинади. Қўшнимиз тожикистонликлар бошига ҳам ана шундай оғир кунлар тушганда халқимиз қараб турмади. Президентимиз И. А. Каримовнинг ташаббуси билан қардошларимизга беминнат ёрдам кўрсатилди.

— Биз ҳам шу хайрли ишдан четда турмадик, — дейди Денов ёғ-экстракция заводининг директори Наимжон Норқобилов. — Шу йилнинг январида Тожикистонга 120 тонна ёғ жўнатдик. Мана, яқин йилларгача халқимизни пахта ёғи билан таъминлаб келгандик. Афсуски, бозор иқтисодига ўтишдаги қийинчиликлар корхонамизни ҳам четлаб ўтмади. Қатор муаммолар, жумладан ускуналар танқислиги юз берди. Биз Россиянинг бир қанча шаҳарларидан асбоб-ускуналар олиб келиш учун шартномалар тузган эдик. Аммо Россия таъминотчиларининг субутсизлиги туфайли ускуналарни ўз вақтида ололмадик.

Бироқ завод жамоаси қўл қовуштириб тургани йўқ. Ҳар бир ускунадан унумли фойдаланиб, ёғ ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳаракат қиляпти. Айни пайтда корхона хориж мамлакатлари, асосан, Польша билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқда.

Ҳозир заводда иқтисодий тангликдан чиқиш мақсадида совун ишлаб чиқариш цехи қурилиши бошланди. Тозалаш цехи ҳам ишга тушиш арафасида. Бу цех қуриб битказилса, йилига 10 минг тонна ёғи 25 миллион дона совун ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Шунингдек, бир йилда 3 минг тонна ҳандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ҳам қуриб битказилаётир. Ушбу хайрли тадбирлар амалга оширилса, корхона тақчил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, қолаверса, ишчи-хизматчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш имконига эга бўлади.

— Қийинчиликларга қарамасдан завод меҳнат аҳлига қулайликлар яратишга интиляпмиз, — дейди Н. Норқобилов. — Учта ошхона ишчиларга хизмат кўрсатяпти. Ҳар бир цехда ювиниш, дам олиш хоналари мавжуд. «Шарқ ширинликлари» цехининг биринчи навбати ўтган йилнинг январида ишга тушган эди. Ҳозир бу ерда тайёрланган маҳсулотлар ишчиларимизга арзон нархда сотилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Сурхондарё вилояти.

ГАЗЕТА-ДАВР МУҲРИ

..Ўзбекистон — ватаним менинг..

[Давоми. Боши ўтган сонда].

Иккала мақолани синчиклаб ўқиб чиқдим, қизиқ-да бу эксперимент! Амалдаги ва назариядаги қонунларга ва бу иккала мақолани бир-бирига солиштирдим. Анча-мунча зиддиятларни топгандай бўлдим. Уларни мақолалар четларига чиқаздим. Сўнгра бу нусхаларни иккала муаллифга бир-бирисиз кўрсатдим. Баъзи мулоҳазаларга қўшилишди, баъзиларини рад этишди, баъзиларини ўйлаб кўриш керак, дейишди.

Конференциядан бир кун аввал Ражабовга кўрсатдим бу иккала мақолани. У киши айтдилар: эртага конференцияга мени таклиф қилишган. Бирга борамиз. Бордик. Мажлис бошланди. Икки-уч маърузадан кейин президиумда ўтирган муҳарриримизга сўз беришди. Маърузачи озроқ умумий гаплардан сўнг, ҳалиги иккала мақолани чизиқ-пизиқлари билан залга кўрсатди. Муаллифлар залнинг ҳар хил жойида ўтиришган эди, орқага, менга ялт этиб қаришди. С. Ражабов сўзини давом эттирди: эксперимент шуни кўрсатдики, имло қоидаларига риоя қилиш ўёқда турсин, шу қоидаларнинг ўзи ҳали кўп камчиликларга эга экан, ҳар хил муаллифлар, корректорлар, ўқувчилар, муштарийлар уларни турлича тушунар эканлар. Ҳатто ўзимиз гоҳо «Қизил Ўзбекистон», гоҳо «Қизил Ўзбекистон» деб чиқазган вақтларимиз ҳам бўлган. Тилимиз имло қоидалари илмий асосда мукаммаллаштирилгандан кейингина рўзномалар, журнал ва китобларимиз имло маданияти билан безатилади.

Рўзномадаги мақолалар муноза-раси илмий муҳокамага айланганда. 1947 йил 31 декабрда бир танқидий мақола босилиб чиқди. Математикага доир оригинал китоблар жуда камдан-кам нашр этиладиган бир пайтда босмахона ҳиди ҳали кетмаган бир китобга тақриз берилди. Китоб муаллифининг ёзиш тажрибаси унча эмаслиги маълум эди. Тақриз муаллифлари ҳеч қандай ножўя иш қилмадилар, танқид билан чиқиш оддий ҳол. Лекин янги йил арафасида уни эълон қилишга ҳеч қандай зарурият йўқ эди, деб ўйлайман энди. Муҳарририят улуғ айём кунлари рўзнома сенсация билан чиқса зўр иш бўлади, деб ўйлаган бўлса керак.

Математикага онд бу мақолани кимлар ўқиди, кимлар ўқимади, буни мен билмайман. Лекин бир ойдан сўнг Ўзбекистон Фанлар академиясида катта шов-шув кўтарилди: китоб муаллифи билан мақола муаллифлари орасидаги зиддиятни ҳал қилиш учун мунозара-мажлис тайинланди. Мунозара, аслида, конференцияга айланиб кетди, бир ҳафта давом этди. Китоб ва мақола ўзбек тилида ёзилган бўлса ҳам муҳокамада мулоҳазалар фақат рус тилида олиб борилди. Муҳокама шундай қизғин бўдики, иштирокчилар сони кундан-кун кўпайиб борарди. Охирги куни одамлар залга сиғмади. Боролмаганлар армонда қолди.

Мунозарада ЎзССР Фанлар академиясининг президенти Т. А. Сарымсоқов, академия физика-математика фанлари бўлинмасининг раиси академик В. И. Романовский, математика ва механика институтининг директори профессор В. А. Жоржио, академик Т. Н. Қори Ниёзий, профессорлардан М. Т. Урозбоев Д. Т: Гребенюк, Н. П. Романов, А. В. Гренблюм, физика-математика фанлари номзодларидан: М. А. Собиров, О. Каримов, С. Сирожиддинов, А. Б. Арешов, М. И. Эйдельнант қатнашдилар. «Қизил Ўзбекистон» бош муҳаррири ўринбосари Р. Саҳибоев, собиқ бош муҳаррир С. Ражабов ва бошқа кўп олимлар, муаллимлар, қизиққан ўртоқлар ҳам мунозарада фаол иштирок этдилар. Қизиғи яна шунда эдики, математикага бағишланган бу муҳокамада иккала муҳарриримизнинг нутқлари гоҳо бир-бирига зид бўлиб қоларди.

Бу мунозара ниманн берди? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин, лекин бир нарса аён бўлди: жумҳурият математика олимида ва китобшунослик олимида катта бир силкиниш рўй берди. «Қизил Ўзбекистон»нинг ҳам асосий вазифаси шундан иборат бўлган бўлса керак. Мунозаралар охирида Т. Саримсоқов якун ясаб, рўзномага ҳисобот мақолаасини ёзиш учун қуйидаги таркибда комиссияни таъсис этишни таклиф этди: академик В. И. Романовский, физика-математика фанлари номзоди С. Ҳ. Сирожиддинов, математика ва механика институти илмий котиби М. Петросян ва «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг вакили О. Файзуллаев.

Мақоланн тайёрлашда тарафма тараф нуқтаи назарлар фикрни умумлаштиришни қийинлаштирди. Ниҳоят, мақола эртага чиқадиган бўлганда рўзнома муҳаррири Ш. Рашидов Москвадан Олий партия мактабини тугатиб келиб, яна ишга тушди. Р. Саҳибоев мени муҳаррирнинг олдига олиб кирди ва ундан сўради: мақолани рўзнома номидан чиқарамизми ёки комиссия аъзолари номиданми? Жавоб шундай бўлди: «Фарқи йўқ, ҳа, нуқтаи назарларнинг ҳам фарқи қолмабди». Мақола босилиб чиқди, шов-шувлар ҳам адо бўлди.

МУХБИРЛИКНИНГ АЖОЙИБ СЎҚМОҚЛАРИДА

Мухбирлик фақат ёзишгина эмас. Юрт кезиш, эл ҳаёти билан танишиш, турли-туман воқеалардан воқиф бўлиш бу касбга хос мўъжизалар экан. Буни қуйидаги воқеалардан хис этдим.

«Жумҳуриятимизнинг жилови сизда, тарихи менда» — деди фотомухбир Макс Пенсон Усмон Юсуповга Қуйи Бўзсув ГЭСи қурилишида ҳазилмутойибадан кейин. Мен мухбир, у фотомухбир. Иккаламиз бўш вақтимизда бу гапнинг маъносига етиш учун сурштира бошладим. Э-ҳе, бир дунё гап бор экан. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг саноат, қишлоқ хўжалиги, фан-техникаси, маданияти, одамлари, умуман социалистик қурилиш тарихи М. Пенсоннинг фотоархивида экан. Бу архивни тўла кўтариб, тадқиқ қилиб, кўплаб тематик альбомлар нашр этилса фотожурналистика тарихи мустақиллик ишига хизмат қилур эди, эстетик бойлигимизни оширар эди.

Мухбирга эшик очиқ эканда. 1947 йил ЎзССР Фанлар академиясига сайлов бўлди. Ҳамидулла Ҳасанов ва мен сайлов хонасига кирдик (ҳозир мухбирлар киритилмайди). Ҳамма гапларни эшитдик. Овоз бериш бошланди. Мундоқ қарасак, ёнимизда ўтирган академиянинг бир фахрий аъзоси кўзи ожизлигидан сайлов варақаларини тўлдиришдан қийналяпти. Биз ёрдамлашдик. У киши сўрадилар: сизлар кимсизлар? Биз мухбирлармиз. У киши: ҳа, мухбир аъзомисизлар? Йўқ. Кейин биз ҳам профессор Ҳамидулла Ҳасанов билан мухбирликча қолдик, мухбир-аъзо бўлолмадик. Лекин мухбир-аъзо иштирок этолмайдиган сайлов жараёнида биз мухбир бўлганимиз туфайли иштирок этдик. Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Халил Раҳматуллинларнинг академик этиб сайланганликларини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Бир мухбирдан икки мухбир тузук бўларкан. Мухбирлик вазифаси билан Наманганга бориб қолдим. Рўзномамизга «Вискоза» заводи механикашларидан директорнинг нуқсонлари ҳақида бир нечта мактуб келган эди. Рўзномамизнинг вилоят бўйича мухбири Шариф ака билан суҳбатлашдим. У киши айтдилар: бундай бўлмаса керак, асли камчилик директор ўринбосарида бўлиши керак, хатларни ҳам ўша уюштирган бўлса керак-ов, менимча. Текширдик, вилоят бўйича мухбир ҳақ бўлиб чиқди. Мақола иккаламиз номимиздан чиқди. Ўринбосар ишдан олинди. Агар бир ўзимиз бўлганимда натижаси тескари бўлиб чиқиши ҳам мумкин экан.

Иккига бўлинган бир мақола. Биринчи қисми 1948 йили Тошкентда бўлиб ўтган II Бутуниттифоқ эҳтимолият назарияси ва математик статистика конференцияси ҳақидаги ахборотим эди. Унда конференциянинг аҳамияти, у нима учун Тошкентда ўтказилаётгани, кимлар қатнашаётгани ҳақида эди, холос. Энди, иккинчи қисмини ушбу сатрларда ёзмоқдаман.

Мана, 45 йил ўтгандан кейин ўша конференция бошланишидан олдин кун тартибини қабул қилишда рўёбга чиққан бир жанжал ҳақида ахборот бермоқчиманки, у ҳақда у вақтларда рўзномага ёзиш мумкин эмас эди.

Эрталаб соат 10 да конференция қатнашчилари залга тўпланишди. Мамлакатнинг турли шаҳарларидан келган донғи кетган олимлар президиумдан жой олишди. Бу конференция, аслида, шу соҳанинг кашфиётчиларидан бири В. И. Романовский ижодига атаб чақирилганлигидан, бу улуғ зот конференцияни оча бошладилар. Всеволод Иванович айтди: конференцияни очишдан аввал кун тартибини тасдиқлаб олайлик. Қаршилик йўқми?

Жанжал мана шу саволдан бошланди. Бродовицкий қўл кўтарди ва деди: ҳозир биология соҳасида материализм билан идеализм, лисенкочилар билан вейсманизм орасида кескин кураш кетаётган бир пайтда, нима учун математикадаги идеализмга қарши курашмаслик керак? Ваҳоланки, мана бу раисимиз В. И. Романовский ўзининг 1914 йилда француз математика журналида босилиб чиққан мақоласида эҳтимолият назариясини Пирсон яратди деган. Пирсон машҳур идеалистдир. Шунинг учун конференциямиз кун тартибига математикада материализм билан идеализм орасидаги кураш, деган бир моддани киритишни таклиф қиламан. Бу фикрни профессор Захаров қўллаб чиқди. Уларнинг бу қўшимчасига бир қанча олимлар, жумладан, Украина академиги Гнеденко қарши чиқдилар. Бўлмади. Кун тартиби тасдиқланмади. Шундай натижага келинди: эртага эрталаб академик А. Н. Колмогоров Польшадан етиб келади, кун тартибининг муҳокамаси унинг иштирокида давом эттирилади.

Эртасига эрталаб соат 10 да бошланадиган мажлисга одамлар соат 9 дан кела бошлашди. Зал лиқ тўла. Президиумда замонамизнинг энг улуғ математикларидан СССР Фанлар академиясининг академиги А. Н. Колмогоров пайдо бўлди. У гапни узоқдан вазминлик билан бошлади. У, бу ерга Иттифоқимизнинг йирик математиклари йиғилишиб ўтиришибди, деди. Бу қандай яхши нарса! Ҳа, не жойларда ўтирибмиз. Бу ерда Ал-Хоразмий алгебра ва алгоритмни кашф этган. Кошнй ва Улуғбеклар тенгламалар назариясини бойитганлар, «Пи» сонини ниҳоятда аниқ ҳисоблаб берганлар. Бу гаплар тарихдан. Мана, ҳозир бу ерда Всеволод Иванович Романовский ўтирибдилар, у кишини мен устозим деб биламан. Марҳамат, Всеволод Иванович, Тошмуҳаммад Алиевич президиумга чиқинглар. Энди масаланинг пўст калласига ўтамиз. Бродовицкий борми? Президиумдаги доска ёнига ўтинг. Сиз бир мавзеъни таклиф қилибсиз. Бу ҳам яхши. Лекин, маърузалар матнларида бу масала йўқ. Эндиги вазифа бир маърузачини топишимиз ва тайинлашимиз керак бўлиб қолди. Сиз қандай қарайсиз? Бродовицкий: Тўғри, мен маъруза қилишим мумкин. Колмогоров: ўзингизнинг бугун қиладиган маърузангиз номидан кўрниб турибдики, идеализм-ку?! Бродовицкий: Йўғ-э, деди-да доскага бир икки формула ёзиб материализм эканлигини исботламоқчи бўлди. Колмогоров ҳиппа ушлади: тасодиф тушунчасининг Сиздаги талқини субъективизм. Бродовицкий қониқарли жавоб қайтаролмаганини бутун зал кўриб турди. Колмогоров: ўтиринг. Захаров борми? Марҳамат, доскага чиқинг. Сиз Бродовицкий формуласини гидрогеологияга тадбиқ қилиб доктор бўлибсиз. А, Бродовицкий идеалистку, мана бутун зал тасдиқлаб турибди. Энди конференция иштирокчилари муҳокамасига бир таклиф тушди. Ўқиб бераман: Эҳтимолият назарияси соҳасида идеалистлар бор экан — Бродовицкий ва Захаров. Улар залдан чиқиб кетишсин. Овозга қўяман. Қаршилар? Иккита. Бетарафлар? Йўқ. Демак, бу таклиф кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Улар залдан чиқиб кетганларидан кейин Колмогоров айтди: кун тартиби ҳақида қандай мулоҳазалар бор. Кун тартиби бир оғиздан қабул қилинди. Биринчи маъруза учун сўзни Всеволод Ивановичга берамиз.

Конференция юқори савияда ўтди. Бошқа гаплар ўша йили, 1948 йилда босилиб чиққан мақолада, аниқроғи, ҳозирги мақоламизнинг биринчи қисмида айтилган.

Бу воқеани ўша вақтда мухбир сифатида журъат қилиб ёза олмаганмиз. Лекин А. Н. Колмогоровнинг журъати эсдан чиқмайдиган бўлди.

ЧЕТДАН КУЗАТИШ

1948 йили «Қизил Ўзбекистон»дан бошқа ишга ўтдим. Фанлар академиясида, академик Қори Ниёзий билан суҳбатларда мазкур рўзномада босилган мақолалар ҳақида ҳам гап борарди. Бир куни, у киши, ажабо, китоблар, баъзан чиқаётганида маън этилади ёки чиқиб бўлганидан кейин ҳам сотувга чиқмай қолади. Бу нарса тажрибада бўлиб туради. Лекин, рўзноманинг бирор гал чиқмай қолганини билмайман, деб қолдилар. «Қизил Ўзбекистон»га муҳаббатлари зўр эди. У кишининг, эҳ-ҳе, қанчадан-қанча мақолалари чиққан бу рўзномада. Шу билан бирга икки марта ғазаб билан телефон қилганлар менга.

Биринчиси. Рўзномада вилоят институтларидан бирининг ректори бир мақола билан чиқди. Унда ректор институт профессор-ўқитувчилари илмий тадқиқот ишларининг якуни ҳақида сўз юритиб, «Палончи физика муаллимимиз Ньютон қонунларини ўз тадқиқотлари билан рад этди», дейилган. Буни ўқиб, ректор филолог эмас, физик бўлганида бундай ёзмас эди, деб ҳайрон бўлиб ўтирган эдим, телефон жиринглаб қолди. Трубкани олсам Қори Ниёзий. Дедилар: «Қизил Ўзбекистон»ни ўқидингизми? Мен дарҳол тушундим ва жавоб бердим: Эйнштейн ҳам рад қила олмаган эди, фақат масса ниҳоятда кичик ва тезлик ёруғлик тезлигига яқин бўлган ҳолдагина ҳодиса Ньютон қонунлари доирасидан чиқиб кетишини уқтирган эди, холос. Қори ака: ахир, илмдан шунчалик саводсиз бўладими ректор?! Мен аниқлик киритдим шекилли, айтдим: менимча, ўша физика муаллими саводсиз, ректор унинг ҳисоботига ишонган.

Иккинчиси. Маълум вақтдан кейин яна қўнғироқ бўлиб қолди. Қори ака: нега, файласуфлар миқ этмасликлари керак? Қаранг, «Қизил Ўзбекистон»нинг бугунги сонида палончи геолог олим ёзибди: «қуёш активлиги одамларнинг мия фаолиятига салбий таъсир этиши ҳаммага маълум. Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатдики, деярли ҳар 12 йилда қайтариладиган Қуёш активлиги пайтида ер ости сувларининг хуруж қилиши содир бўлади. Бу пайтда ҳатто ижтимоий воқеалар ҳам активлашиб кетади, масалан, 1905, 1917, 1929, 1941 йиллар». Ахир, ижтимоий ҳаёт физика қонунларига бўйсунмайди-ку!?

Шуниси қизиқки, геологнинг шу мақоласи ва Қори Ниёзийнинг ғазабини 10-15 йил ўтгандан кейин шу мақола чиққан вақтдаги «Қизил Ўзбекистон» муҳарририга ҳикоя қилиб берсам (бошқа рўзномада, деб), у: ажабо, ўша рўзноманинг муҳаррирям саводсиз экан-да?! деб ҳайратланди.

Газета — давр муҳри экан, «Ўзбекистон овози», мана 75 йилдирки, озодлик учун курашнинг беқиёс омили бўлиб келмоқда. Бу — республикамиз, халқимиз қалбидан чиқадиган овоз заковат ғоялари билан сатрларга, газетага айланадиган етакчи кучдир. Мустақил республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, илмий-техникавий соҳалардаги янги ютуқларга чорловчи чиниққан ва вояга етган газетамизнинг галдаги вазифалари янада муҳимдир.

● Бу воқеаларнинг ҳаммаси тарих шингилларн. «Ўзбекистон овози» рўзномаси — халқимиз, жамиятимиз ривожининг бир кўзгуси. Гўёки, 75 йиллик вақт саҳифа-саҳифаларда тўхтаб қолган. Йўқ, турмуш, ҳаёт тўхтамайди. Унинг келгуси ривожини билиш учун тарихдан сабоқ олмоқ фойдалидир.

Омонулло ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби.

• *Мутахассис мулоҳазаси*

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг асосий жиҳатлари шундан иборатки, унда давлат мустақиллиги, халқ ҳокимиятчилиги, қонун устиворлиги ва республикамизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқувчи ташқи сиёсати ўз аксини топган. Унинг 50-моддаси фуқароларнинг табиий муҳитга нисбатан тежамли бўлишини талаб этади. 55-моддада эса ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши зарурлиги белгилаб қўйилган.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш конституциявий институти 78-модда ҳокимият ва бошқарув идораларининг сув муносабатларини тартибга солиш борасидаги янгиланган ваколатлари нуқтаи назаридан талқин этади. Маълумки, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда ва уларни муҳафаза этишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг роли каттадир. Жойлардаги вакиллик ҳокимияти идораларининг ваколатлари Конституциянинг ушбу масалага махсус бағишланган XXI бобида ўз аксини топган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг сув масалаларини тартибга солиш борасидаги ваколатлари қуйидагилардан иборат: ўз ҳудудларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этишнинг асосий йўналишларини белгилаш, ушбу йўналишдаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш; сув объектларининг ҳолатини ҳисобга олиш ва баҳолаш; сувдан фойдаланиш ва муҳофаза этишни ҳамда сувдан фойдаланиш учун белгиланган лимитларга риоя этишни назорат қилиш; сув объектларининг сақлаш ва ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларни ўтказиш: сув ресурсларидан фойдаланганлик учун жорий этилган тўловлар ўз вақтида ундирилишини таъминлаш; биосферада кечадиган табиий сув жараёнларини сақлаш; уларнинг ўзгаришини назорат қилиш; сувларнинг муҳофаза, санитар-гигиник ҳамда соғломлаштириш хусусиятларини асрашга қаратилган қонуний муносабатларни мустаҳкамлаш; сув манбаларидан комплекс фойдаланиш ва муҳофаза этишнинг ижтимоий, иқтисодий, экологик каби самарали ҳуқуқий тадбирлардан фойдаланиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа масалаларни тартибга солишдир.

Табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда депутатлик комиссияларининг роли ҳам беқиёс. Ўзича мустақил, маҳкамалардан ҳоли ва талаб даражасидаги экологик экспертиза муаммоларини ҳал этишда ҳокимларнинг иштироки янада ҳаётий бўлиши керак. Маҳаллий ҳокимликлар ташаббуси билан барча лойиҳалар ва дастурлар, шу жумладан, мелиорация ва қишлоқ хўжалигини кимёлаш, кимё ва микробиология саноатини ривожлантиришга қаратилган дастурлар ҳам шундай экспертизалардан ўтказилиши лозим.

Марказий Осиё минтақавий экологик мониторинг вазифаларини ҳал қилиш учун дарё ҳавзалари бўйича ўтказилган мелиоратив тадбирларнинг экологик баҳосига эга бўлиш ҳамда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатларини илмий ишлаб чиқиш айни муддаодир. Республикамиздаги ҳозирги Ер тўғрисидаги қонунда ер мониторингн ҳақидаги бобида тупроқдаги ўзгаришларни аниқлаш, уларни баҳолаш, салбий жараёнлар оқибатини олдиндан айтиб бериш ва йўқотиш мақсадида ер фонди ҳолатини кузатиш тизими кўзда тутилган.

Сув ҳақидаги янги Қонунни яратишда сув объектлари мониторингн ҳақида махсус боб кўзда тутилмоқда. Бу бобларни амалга ошириш экологик хавфсизликни самаралироқ таъминлашга ҳамда ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга олиб келиши мумкин. Назорат ва жавобгарликни кучайтириш, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш конституциявий омилларнинг самарали элементларидан биридир.

Маҳаллий ҳокимият идоралари сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза этишнинг конституциявий институти асосларини барча соҳаларда, жумладан, суғорма деҳқончиликда ҳам мустаҳкамламоғи керак. Сувдан оқилона ва тежамли фойдаланиш мақсадида суғорма деҳқончиликда сувдан пулли фойдаланишни жорий этиш зарурлигини тақозо этади.

Маълумки, Конституция табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза этишнинг регионал актларини, уларнинг юридик кучи ва характерини белгилаб беради. Табиатдан фойдаланишнинг регионал конституциявий актлари миллий тараққиётнинг, давлат тузилишининг ўзига хос хусусиятларини белгилаш билан бирга маҳаллий табиий-географик шарт-шароитларни ҳам ўзида мужассамлайди.

Қонунларни жорий этиш жараёнида умумий регионал нормалар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этишдаги жамият муносабатларида самаралироқ таъсир кўрсатиши керак.

Р. ХОЛБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси сув муаммолари институти катта илмий ходими.

ЎРИМ ҚИЗҒИН

Бу йил серқуёш Ўзбекистонимизда баҳор ёмғирлари тез-тез бўлиб турибди. Синоптикларнинг маълумотларига қараганда бу йилгидек серёғин келган ҳаво камдан-кам бўларкан. Об-ҳавонинг серёғин келишидан деҳқонларимиз бироз ранжиган бўлсалар-да, чорвадорларимиз беҳад шод. Улар бу йил чорва йили бўлади, дейишмоқда. Чунки кетма-кет ёмғирлар туфайли қир-адирларда, яйловларда ўт-ўлан сероб. Айни пайтда серўт яйловларда қўй-қўзилар яйрашмоқда.

Табиий ўт-ўланлар ўз йўлига. Озуқа учун экилган оралиқ экинлари ҳам ҳозир ўримга тайёр. Кўшгина хўжаликлар етилиб пишган озуқа экинларини пешмадеш ўриб олиб, чорва фермаларига етказиб беришаётир.

Уйчи районидаги Абдувалк Мўминов номли жамоа хўжалиги озуқа етиштирувчилари ҳам кўкламнинг серёғин келганидан унумли фойдаланишмоқда. Улар перко, рапс сингари озуқа экинларидан мўл ҳосил йиғиштириб олишаяпти. Бу ишда механизатор Жамолбой Аҳроров кўпчиликка ўрнак бўлаётир. У ҳар куни 3-4 гектар ердаги озуқа экинини



«КСК-100» агрегати билан йиғиштириб олаётир. Прицепчи механизатор Абдубаннон Худойбердиев эса ўрилган озуқани пешма-пеш чорвачилик комплексига етказиб бераётир. Умуман хўжалик бўйича ҳар гектар майдондан 350-400 центнердан озуқа ўрилаётир. Айни пайтда фермада сут соғиб олиш авжида.

Суратда: вилоят агросаноат уюшмаси раиси муовини Ҳусанбой Мансуров, Уйчи район агросаноат уюшмаси раиси ўринбосари Ғуломжон Жамолов, жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Нурмирза Камоловлар ўрилаётган озуқани кўздан кечиришаётир.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ҲАМ ИШ ЎРНИ, ҲАМ МАҲСУЛОТ

Бундан уч-тўрт йил олдин ҳам «Хиваники» дейишиб Хива комбинати ва фабрикасида тўқилган гиламларни харидорлар назар-писанд қилишмасди. Шу боисдан ҳам бу корхоналарнинг маҳсулотлари савдо шохобчаларида босилиб ётар эди. Эндиликда эса Хива гиламларига қизиқиш ортиб, ноёб молга айланиб қолди. Уни хиваликларнинг ўзлари ҳам қидириб топишолмаяпти.

— Шуларни ҳисобга олиб, ўзимиз ҳам гилам ва палос тўқийдиган кичик корхона очишга қарор қилган эдик, — дейди Хива шаҳар матлубот жамияти раиси Марямбиби Маткаримова. — Ўн учта дастгоҳ ўрнатилиб, бултур ишга туширилган ёрдамчи корхонамизда дастлабки йилнинг ўзидаёқ қарийб 1300 квадрат-метр ҳажмда, пулга чақиб ҳисобланганда эса 655 минг сўмликдан зиёд гилам маҳсулотлари тайёрлаб савдога чиқарилди. Бу маҳсулотлар бозор нархидан анча арзонга сотилди. Корхонанинг ишга туширилганлигининг яна бир муҳим томони шундаки, йигирма нафар киши иш билан таъминланди. Улар ижтимоий ҳимояга олиндилар. Келажакда бу ёрдамчи тармоқ кенгайтирилиб, ундаги иш ўринлари сони ўн-ўн бештага қўпайиши керак. Кичик тўқимачилик ва бошқа иқтисодий фойдали корхоналар очиб, уларни ишга туширишни ҳам режалаштирмоқдамиз.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ЎЗБЕКИСТОН—БРАЗИЛИЯ •

ҲАМКОРЛИК ТОМОН ИЛК ҚАДАМ

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсдаги обрў ва эътибори кун сайин ортиб бормоқда. Дунё давлатларининг бир тоифасини республикамизнинг ички бозори ва табиий заҳиралари қизиқтирса, иккинчи бир гуруҳни Ўзбекистондаги осойишта аҳвол, тинч-тотув ҳаёт ва унинг ҳозирги босқичдаги тараққиёт йўли ўзига жалб этмоқда. Шу боис, республикамиз мустақиллигини тан олиб, у билан дипломатик алоқалар ўрнатишга интилаётган давлатларнинг саноғи кўпайиб боряпти.

30 апрель куни Москвада Бразилия элчихонасида Ўзбекистон Республикаси ва Бразилия республикаси ўртасида дипломатик алоқа ўрнатиш борасида Ўзбекистон давлати раҳбарияти ва ҳукумати топшириғига биноан Ўзбекистоннинг Россиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Юсуф Абдуллаев ҳамда Бразилиянинг Россиядаги элчиси жаноб Себастьао до Рего Баррос учрашиб, нота-лар алмашдилар.

Бу тадбир икки давлат ўртасидаги муҳим тарихий воқеага айланди. Ўзбекистон ва Бразилия давлатлари ўртасида ўрнатилаётган дипломатик алоқани Бразилиянинг Россиядаги элчиси шундай шарҳлади:

— Бугун икки буюк халқ ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш борасида илк қадам қўйилди, — деди жаноб Себастьао. — Ҳар иккала давлат ҳукуматлари бир-бирлари билан барча соҳаларда доимий ҳамкорликда бўлиб уни мустаҳкамлашлари лозим. Бу иш нафақат алоқалар ўрнатишга шунчаки интилиш, балки Ўзбекистон ва Бразилия давлатлари ўртасидаги асосий вазифага айланмоғи зарур. Бразилия Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги буюк давлат деб тан олиб, унинг ички осойишта аҳволи ва оқилона ташқи сиёсатига алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Худди шунинг ўзи ўзаро манфаатли алоқа ва ҳамкорликни кенг йўлга қўйишга муҳим замин яратади.

Элчининг сўзига қараганда, Бразилия давлати Марказий Осиёдаги тараққиёт ва силжишларни инобатга олиб, яқин орада Тошкент шаҳрида ўзининг элчихонасини очишни режалаштирган. Ўзбекистон пойтахтида ташкил этиладиган Бразилиянинг бу намоёндалиги эса мазкур давлатнинг шу минтақадаги манфаатини кенг ўрганишга хизмат қилади.

Юқорида тилга олинган нотолар алмаштириш маросими эса Бразилия давлатининг Президенти ва ташқи ишлар вазири ташаббуси билан бўлиб уларнинг мақсад ва ниятлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов ва ташқи ишлар вазири С. Сафоев номига юборилган мурожаатномада ўз ифодасини топган.

Хуллас, Ўзбекистон ва Бразилия давлатлари ўртасидаги муносабатлар бу борадаги илк бор қўйилган қадам ҳар икки мамлакатнинг талаб ва манфаатлари даражасида бўлиб, фақат дўстлик ва ҳамкорликка хизмат қилади деган ниятдамиз ва унинг амалга ошишига шак-шубҳа йўқ.

Фахриддин ПАРПИЕВ,
Москва шаҳри.

ЖИЗЗАХДА ДЭУ МАШИНАЛАРИ

Жиззах вилоятига Жанубий Корея ДЭУ корпорациясида ишлаб чиқарилган ўнта автобус етиб келди. Улар шаҳарни вилоят туманлари билан боғлайди. Ҳадемай, Жиззах кўчаларида ЛАЗ автобуслари қатнай бошлайди, Италиянинг «Фиат» енгил автомобилларн такси хизматини бажаради.

САМАРАЛИ МОСЛАМА

Қишлоқ хўжалигига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш маскан билан ишлов бериш бошланди. Яқин кунларда вилоятдаги барча хўжаликлар шу хил мослама билан таъминланади.

ХУШХАБАРЛАР

Шаҳрихон туман бирлашмаси мутахассислари ОВХ пуркагичлари учун янги дори сепиш мосламаларн тайёрлашга киришди. Мослама илк бор тумандаги «Саркор» жамоа хўжалигининг Неъматжон Ҳамидов бошлиқ бригада пахта далаларида синаб кўрилди. Бу ерда ғўзага ўргимчаккана-га қарши олтингугурт аралаш-

КУЛОЛЛАР УЧУН КОРЖОМА

Риштон бадиий кулолчилик буюмларн заводида тикувчилик цехи ташкил этилди. Цехда асосан кулолчилик корхоналарн тайёрланади. Маҳсулот айирбошлаш йўли билан Германиядан олиб келинган тикув машиналарн бунда жуда қўл келяпти.

F. ХАЙДАРОВ, М. ИНОМОВ

Тожикистон: халқ фожиаси ва дард-алами

(Давоми. Бошн газетанинг ўтган сонларида).

Шундай қилиб, муҳолиф кучларнинг қаттиқ қаршилиқ қилишига қарамасдан, ноябрь ойининг охирида Раҳмон Набиев Тожикистон Республикасининг қонуний равишда сайланган Президенти бўлади. Кўзланган мақсадга эришилганди. Энди ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарор қилиш тадбирларини кўриш лозим эди. Бироқ худди шу масалани ҳал қилишга келганда янги тожик раҳбарининг ҳақиқий қиёфаси рўй-рост намоён бўлди. У ҳокимиятни қўлга олганидан кейин илгари ўзи бир неча бор синаб кўрган усул, яъни «биринчи»нинг иродасига сўзсиз бўйсуниш усулига амал қилинишини кўзлади. Чунки у замонларда тузумнинг ўзи Республика ҳаётининг турли соҳаларида ишнинг боришини ишончли равишда таъминлаб берар эди. Бундай ширин хаёлларни теварак-атрофда содир бўлаётган воқеалар кунпая-кун қилиб ташлади. Вазият тубдан ўзгарган эди. Энди ҳаёт раҳбарлик постида шу ўринга муносиб бўлган ақлли, қатиққўл, бутун вазиятни ўз қўлига олиб, маҳкам ушлаб туришга қодир киши бўлишини талаб қиларди. Набиев ўз характерига кўра ҳам, билими ва ташкилотчилик қобилиятига кўра ҳам мана шундай янги шароитларда ишлаш учун тайёр эмас эди.

Ҳар доим ўз фикрини ўзгартириб турадиган, теварак атрофдаги одамларнинг ўзига садоқат кўрсатишини ҳаммадан юқори қўядиган бу одам ишни лавозимларга ўз қариндош-уруғларини ва ошна-оғайниларини тайинлашдан бошлади. Барча даражадаги йиғинларда у ҳар доим Тожикистонда бир-бирига қарамақарши кучлар пайдо бўлиши учун ҳеч қандай асос йўқ ,Республикадаги ҳаёт нормал равишда бир маромда кечмоқда деб таъкидларди. Гапиришга гапиради-ю, бироқ республикадаги вазият ниҳоятда кескинлашиб бораётганлигини, муҳолифат тўхтовсиз «очко»лар тўплаётганлигини, мачитларда қурол йиғилаётганини, жангарилар тайёрлаш учун шитоб билан ҳозирлик кўрилаётганини, Афғонистондан, Эрондан, Саудия Арабистонидан турли хил «ёрдам», автоматлар, граната ирғитгичлар, пуллар, йўриқномалар тинимсиз равишда келиб турганлигини ҳам яхши билар эди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари унга бир неча бор мурожаат этиб, Душанбени ва республика жанубидаги бошқа шаҳарларни Эрон ва Афғонистондан келган шубҳали тижоратчилар эгаллагани ҳақида ахборот бердилар. Уларнинг қўлида йирик миқдорда моддий маблағлар йиғилиб қолганди, бошқа воситалар тўпланган эди. Ҳар бир китоб дўконидан, тоғли ўлканинг ҳар бир савдо нуқтасидан арзон баҳода оятилло Хумайнийнинг суратини, унинг «доно насиҳатлари»ни сотиб олиш мумкин эди.

Умуман эронпарастлик кайфияти жамиятнинг барча қатламларига сингиб бормоқда эди. Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинганидан кейин зиёлилар ўртасида бир оз эронча-форсча лағчада гапириш удум бўлиб қолди.

Яққол кўзга ташланиб турган миллатчилик кайфиятлари ҳам келиб чиқиши ва уруғга мансублигига қараб табақаланиш кучайиб бораётганлиги ҳам бефарқ раҳбарни ташвишга солмади. Гармликлар, помирликлар республикада катта мавқени ўзлари мутлақ эгаллашга даъвогар бўлиб чиқа бошладилар. Улар пойтахтда, Қўрғонтепа, Кўлоб вилоятларида шимолдан бўлган кишиларни сезиларли даражада сиқиб чиқара бошладилар, одатдагидек савдо соҳасида, тақсимлаш тизимларида муҳим лавозимларни эгаллаб ола бошладилар. Жанубий туманлардан келган тожикларнинг алоҳида роли тўғрисидаги баёнотлар тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди. Уларни сал бўлмаса бутун миллатнинг халоскорлари деб аташгача бориб етдилар. Юқори малакали мутахассислар ҳисобланган шимоллик тожикларга, одатда, келгиндилар худди «бегона юртлардан келган» кишилар деб қарай бошланди. Баҳолонки, аввалларн айни шу шимолликлар ҳокимият тизимидаги азалдан таянч ҳисобланиб келган лавозимларда ишлаб келганлар.

Душанбе шаҳрида шаҳар транспортида кетаётганда шимолликлар учраб қолгудек бўлса, уларга айтилган очиқдан-очиқ: «Довон ошиб ўз юртингга жўнаб қол!» деган сўзларни эшитиш мумкин эди. Тожиклар тожикларни сиқиб чиқармоқда эди. «Миллатнинг софлиги» тўғрисидаги гаплар тобора кучлироқ эшитила бошланди.

Сиёсатдонлар миллатни тобора кучлироқ гиж-гижлай бошладилар. Бундай ғаламисликларда ким ҳақ, ким ноҳақлигини билолмай хуноб бўлган халқ эса сукут сақлар эди.

Лекин бу янги гап эмас эди. Шимолдаги қўшни бўлган Ўзбекистоннинг «экспанциячилик сиёсати» тўғрисида бу ерда аллақачонлардан бери гапира бошлаган эдилар. Саксонинчи йилларнинг охирида Тошкент шаҳрида миллатлараро муносабатларга бағишланган минтақавий илмий конференция бўлиб ўтган эди. Унинг ишларида қатнашиш учун Душанбе шаҳридан нуфузли олимлар делегацияси келди. Ўша кезлардаёқ улар биринчи «жанг»ни бошлашга уринишган ва бу билан анжуманнинг барча иштирокчиларини ҳайратда қолдиришган эдилар. Уларнинг илгари сурган даъволарининг маъноси шундан иборат эдики, уларнинг фикрича 1924-1925 йилларда ўтказилган миллий-давлат чегараланиши адолатсиз бўлган эмиш.

Орадан йиллар ўтган сари даъволар ҳам кўпайиб борди. 1991 йилнинг охирига келиб Душанбе шаҳрида Раҳим Масовнинг «Калтафаҳмларча чегара ўтказиш тарихи» деган китоби катта тираж билан босилиб чиқади. Муаллиф бу китобда ниҳоятда даъволар билан чиқади. Муаллиф ана шундай ғаразли позициядан туриб таъкидлашича, гўё Ўзбекистон ҳудудида яшаётган тожиклар илгари ҳам сиқувга олиб келинган ва ҳозир ҳам камситиб келинаётган эмиш. Бу китоб тожик зиёлилари ўртасида жуда катта қизиқиш билан ўқилганлигага ва унга талаб катта бўлганлигига таажжубланмаса ҳам бўлади. Бундай асарни фақат Тожикистонда эмас, бошқа жойларда ҳам аллақачондан бери кутаётган кишилар бор эди. Хуллас, буларнинг ҳаммаси битта занжирнинг халқалари эди.

Хўш, тожикларнинг ўзларичи, улар нима дейдилар? Нима сабабдан муҳолифатнинг етакчилари тожикларнинг алоҳида мавқелари тўғрисида, аллақандай аслзодаларга мансубликлари тўғрисидаги гапларни исботлашга уриниб ётибдилар? Ушбу саволга жавоб бермай туриб, республиканинг тараққиётини бир неча ўн йиллар орқага суриб юборган қонли фуқаролар урушининг сабабларини ҳар томонлама тўғри баҳолаш мумкин эмас.

Ҳолбуки, юқорида айтиб ўтилган гап муҳолифат етакчиларига фақат ғирт тарғибот мақсадларида зарур бўлиб қолганлигини бу ерда айтиб ўтиш ўринли бўлур эди. Уларнинг ўзлари эса аслида бошқача фикр қиладилар. Кунлардан бир кун Шодмон Юсуфнинг оғзидан, тожик халқи деган гап йўқ, балки форс тилида сўзлашувчи аҳоли бор, деган гап чиқиб кетди...

Асосан Тожикистоннинг тоғли районлари ҳамда Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги жойлар ялписига тожик аҳоли яшайдиган вилоятлар ҳисобланади. Республиканинг қолган ҳудудларида тожиклар бошқа халқлар (ўзбеклар, қирғизлар, руслар) билан биргаликда яшайдилар. Республиканинг жанубғарбий қисмидаги паст текисликларида ва тоғ этакларида, Қоратегининг шарқи, шунингдек мамлакатнинг шимолида ўзга қабилаларга мансуб аҳоли сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этади. Тожиклар Эронда, Шимолий Покистонда,

Хитойда ҳам бор. Тожикистондаги этник ҳолатни тушуниш учун ана шу умумий миқдордан тоғли тожикларни азалдан ажратиб кўрсатиш муҳим ҳисобланади. Улар ўз тили, дини, маиший турмуш шароитлари жиҳатидан пасттекисликда яшовчи тожиклардан анча фарқ қиладилар. Энг муҳими, помирликлар исломчилар, қолган барча тожиклар эса суннийлар ҳисобланадилар. Ҳозирги Тожикистон доирасида бир вақтлар Ўрта Осиёда ўзбек династиялари ҳукмронлик қилган даврларда бир қанча феодал мулклари — ўзбек ҳам тожик хонликлари ёки князликлари мавжуд бўлган. Ўтган асрнинг охирларига келиб Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганидан кейин тожик аҳолиси яшайдиган вилоятларнинг бир қисми (Ўратепа, Хўжанд, Матчо, Фальгар) Тожикистонга ўтди, бошқа қисми (Кўлоб Ҳисор, Қоратегин, Дорвоз) эса подшо ҳукуматининг кўмаги билан Бухоро амирлигига бўйсундирилади ҳамда 1921 йилга қадар мавжуд бўлган Бухоро хонлигининг алоҳида бир музофотини ташкил этади.

Бу вақтга келиб Помир яқинидаги районлар бирмунча бошқачароқ мавқени эгаллайди. Масалан, Ғарбий Помир ярим қарам бир қанча князликларга бўлинган эди. Ушбу ҳудудларни қўлга киритиш учун олиб борилган қаттиқ кураш бу ерда Россиянинг ҳукмронлигини ўрнатиш билан ниҳоясига етганидан кейин Россия билан Англия ўртасида узоқ вақт давом этган музокаралар бошланади. 1895 йилда Афғонистон ва Россиянинг Помирдаги чегарасини белгилаш тўғрисида Россия — Англия шартномаси тузилади. Ушбу шартномага кўра жуда катта масофадаги чегара Панж дарёси бўйлаб ўтади. Шу тариқа бирбирига яқин қариндош-уруғ бўлганлар дарёнинг икки томонида, турли давлатлар ҳудудида қоладилар.

Тарих мана шундан иборат. Лекин ана шу тарихга баъзи саҳифаларни қўшиб ёзиш ҳеч қачон яхши натижаларга олиб келган эмас. Аксинча, миллий ўзлигини англаш туйғусини уйғотиш ниқоби остида ашаддий миллатчилик уруғлари сепилган, ўлкада жуда қалтис, фожиали вазият вужудга келтирилган, бундай вақтларда бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилган.

• *Қонун олдида ҳамма баробар*

ХОРИЖДАН КЕЛГАН БАНГИ

Бу воқеа Тошкентдан Ашгабатга йўл олган поездда юз берди. 11-вагонда сафар қилаётган тушпа-тузук кийинган, сочлари жингалак йигит бир қарашда ҳеч қандай шубҳа туғдирмасди. Ёнида сумкаси ва дипломати турибди. Одатдаги хизмат сафарига жўнаётган кишига ўхшарди.

Бироқ ҳар хил қиёфадаги нашавандларни кўраверириб кўзи пишган Садриддин Баҳритдинов унга назари тушиши билан ҳушёр тортди. Йигит иккинчи марта вагон бўйлаб ўтаётган милиция кийимидаги кишининг синчков назари остида типирчилаб қолди.

Фурсат ўтмай чақирилган гувоҳлар иштирокида сумкаси текширилганида, целлофан халтачага ҳафсала билан жойланган олти килограмм марихуана чиқди. Бангининг чўнтагида эса ўқув юртларидан бирининг муҳри босилиб, ҳали тўлдирилмаган яп-янги дипломи бор экан.

Унинг айтишича, гиёҳни ҳам, дипломни ҳам Андижон бозорида нотаниш кишидан 45 минг сўмга сотиб олган эмиш. Қўшни Нибит-Доғ шаҳрида истиқомат қилиб, ҳеч қаерда ишламай шаҳарма-шаҳар санқиб юрган Владимир Жумов энди «Бухоро—1» темир йўл шоҳбекати ички ишлар бўлими терговчиси саволларига жавоб беряпти.

— Темир йўлда хориждан келган юзлаб кимсалар изғиб юришибди, — дейди биз билан суҳбатда шоҳбекат ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Толиб Ҳайитов. — Шу йилнинг ўтган икки ойи мобайнидагина 26 нафар шундай бангини катта миқдордаги наша ва бошқа гиёҳвандлик моддалари билан қўлга олдик. Улар халқ судлари томонидан Ўзбекистон Жиноят кодекси 216-моддасининг турли бандларига асосан узоқ муддатларга жазога тортилдилар.

Чинданам, шу кунларда уларга тиним йўқ. Когон шаҳри хориж билан темир йўл алоқасининг чорраҳаларидан биридир. Кимдир гиёҳни сумка ёки жомадонида яширса, бошқа биров уни бўлка нон мағзининг ўрнида ёҳуд тиш ювиш пастаси ўрнида пинҳона ўтказишга уринади. Уларнинг сирларини фош этиш учун ўта ҳушёрлик талаб қилинмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОН

Бизда одат шунақа: юртимизга ташриф буюрадиган меҳмонни очиқ чеҳра, ҳурмат-эҳтиром билан кутиб оламиз. Бироқ, Чечен-Ингушиянинг Курчавое қишлоғида яшовчи, 1961 йилда туғилган Саломбек Алдабировни милиция ходимлари қаршн олдилар. Саломбек «Волгоград — Тошкент» поезди билан Самарқанд станциясидан ўтаётганда ҳушёр милиция ходимлари унинг қўлидаги сумкани текширнб кўришди. Не кўз билан кўришсинки, унда 1990 йилда чиқарилган Калашников автомати, учта ўқдон, 90 та жанговар ўқ, 6 та «Ф-1» маркали граната, чет элда ясалган пичоқ ва 60 минг сўм пул чиқди. «Меҳмон» ўзи ушлаб турган сумкадан чиққан буюмларни кўриб довдираб қолди.

— Билмадим, ака, менга нотаниш кишилар тутқазишди. Фарғонага бориб оламиз, дейишди. Уша ёққа олиб кетаётгандим. Ичида нима борлигини билмайман.


Албатта, шум ниятли «меҳмон» қаерга ва нима олиб бораётганлигини жуда яхши билади. Милиция майори С. Зоҳидовнинг айтишича қараганда, унинг устидан қўзғатилган иш тезда масалага ойдинлик киритади.

Ҳа, биз бағри кенг, меҳмондўст халқмиз. Лекин Саломбек сингари қора ниятли кишилар юртимизга қадам қўяр экан ҳар қандай меҳмондўстликнинг ҳам ўзига яраша меъёри, чегараси, қондаси борлигини унутмасинлар.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги олдидан*

«Ўзбекистон овози»... Ўзбекистон — ватаним менинг!..



Яйловдаги учрашув. Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

• *Сиҳат-саломатлигингиз қандай?*

ОҒРИҚ ТИШНИНГ ДАВОСИ... ДЎХТИР

Тиш оғриғини бошидан кечирган билади. Тишингиз оғримасин ҳам, тиш дўхтирига учраманг ҳам. Наилож, баъзан шундай ҳам бўлиб туради.

Қашқадарё вилояти тиш поликлиникаси жамоаси оғриқ тишни даволашда аҳоли таҳсинига сазовор бўлаётир. Яқин-яқинларгача олис қишлоқлардан тишни даволатиш учун шифо масканига қамида уч-тўрт марта қатналарди. Ҳозирги шароитда йўл харажати ва меҳмонхона ҳақи ҳамманинг чўнтагига тўғри келавермайди. Бундай пайтда савоб ишни ният қилган шифокорлар хайрли ишга қўл урдилар.

— Беморлар бир марта келишда яхши даволаниб, хурсанд бўлиб кетяптилар, — дейди поликлиника бош ҳакими Жамолхон Маннопов. — Бу шифокорларимиз учун кўп ҳам мураккаб иш эмас. Тиш ковагига укол ёки оғриқни қолдирувчи дори-дармон қўйилади. Даволаш, жарроҳлик ва тиш протезлаш каби бўлимларимиз малакали мутахассислар билан таъминланган.

Ривожланган мамлакатларнинг тиш протезлаш тажрибасини омилкорлик билан қўлланаётган дўхтирларимиз металл пломбалардан ўринли фойдаланишяпти. Бундан ташқари, чинни тишлар ҳам тайёрланмоқда.

Ҳар хил турдаги пломбани ясаш учун замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари етарли. Бир кунда 200-250 киши тиш оғриғидан халос бўляпти.

Одамларга сиҳат-саломатлик баҳш этиб, қувонч улашишда поликлиниканинг жарроҳлик бўлими ходимлари жағга олиб қўйиладиган мосламалар қўйишяпти. Фақат жарроҳлик йўли билан суяк ичида кўприксимон мосламалар, чинни қопламалар қўйиш мумкин. Ўтган йил охиридан бошлаб мутлақо тишидан ажралганларга суяк ичида ўрнатиладиган имплантатлар қўйиш йўлга қўйилди.

Яқинда шифохонада беморларга яна бир қулайлик яратилди. Тиш протезларини нитрат титанлар билан қоплаш ускунаси ўрнатилди. Бу иш ҳозиргача Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда бажариб келинарди. Энди оддий металлдан тиш қўйиш бир қадар арзонлашди.

Даволаш бўлимида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган Худойназар Рустамов қўли енгил врач. У хушмуомала, ширинсухан инсон. Людмила Санаева, Муҳаббат Хамроева, жарроҳлик бўлимидан Анвар Аббосов, Йўлдош Раҳмонов каби шифокорлар шаънига ҳам шундай илиқ гаплар айтса арзийди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан оғриқсизлантирилиб, тиш олиш йўлга қўйилди.

Протезлаш бўлими шифокорларидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач Хушвақт Хуррамов, Раҳмон Жонқобилов, Рашид Қурбоновлар ҳам етук мутахассис эканликларини амалда исбот этмоқдалар.

Шифокорларнинг ғайрат ва шижоати туфайли кейинги бир йилда поликлиникада 61 минг 262 киши қабул қилинди ва даволанди. 1320 кишига тиш қўйилди. Меҳнат фахрийлари ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан 129 нафар киши бундан бепул баҳраманд бўлди.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲОДИСА

ТЎППОНЧАДАН ЎҚ УЗИЛДИ...

Самарқанд давлат дорилфунунининг чет тиллар факультети ёнида отилган ўқ овози сукунатни бузди. Тўппонча кетма-кет уч марта «тилга кирди».

Вилоят ички ишлар бошқармаси штаби бошлиғи, милиция полковниги Қаҳрамон Жаводов бу хусусда шундай деди:

— Воқеа шу ерда юз берган қотиллик билан боғлиқ. Хоразм вилояти Гурлан туманининг «Вазир» жамоа хўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Ҳамро Тўраев шаҳримизда пайдо бўлиб, нима сабабдандир мазкур факультет кечки бўлимининг бешинчи курси талабаси Анвар Турдиев билан жанжал чиқарган. Қорнига пичоқ санчиб, уни ўлдирган. Қўли қон қотил қочиб қолишга уринади. Шаҳар ички ишлар бўлимига қарашли алоҳида қоровуллик батальони хизматчиси, милиция сержанти Алишер Ўбақов уни таъқиб эта бошлайди. Жиноятчи милиция ходимининг огоҳлантиришига парво қилмаганидан сўнг, у қуролдан фойдаланишга мажбур бўлади. Алишер аввалига икки марта ҳавога ўқ узган, қотил тўхтамагач, учинчи ўқ билан унинг чап оёғини яралаган.

Ҳамро Тўраев шифохонага ётқизилди. Қотиллик юзасидан тергов ишлари бошланди.

ЎзА мухбири.

БИЛИМДОН ШИФОКОРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Бухоро вилоят касалхонаси малакали шифокорлар тайёрлай бошлади. Унинг ҳузурида маҳаллий тиббиёт институтининг бир неча кафедраси очилди. Хусусан асаб касалликлари ва нейрохирургия кафедраларн ишни юритиштириб юборди. Касалхона асаб касалликлари бўлимининг энг яхши мутахассисларн институт талабаларига дарс бермоқдалар, уларга назарнянн ўргатибгина қолмай, амалий машғулотлар ҳам ўтказмоқда.

Бўлажак шифокорларнинг машғулотларн учун касалхонадан махсус хоналар ажратиб берилди.

[ЎзА мухбирларн].

Ўзбекистон овози ХАРЧИНОМА

БИЛДИРУВ

«Вест» кичик корхонаси иш фаолиятини тугатади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур районидаги 157-сон ўрта мактабнинг 9-а синф ўқувчиси Муҳаммадалиев Даврон Жаҳонгирович номига 1992 йил 16 июнда берилган А № 090960 номерли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сув қурилиши трести қошидаги автомобиль транспорти идораси таъсис этган «1, 2, 3 ва 4-нжара бригадалари» кичик корхоналари

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади.
МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Сергели саноат маркази.
Телефонлар: 58-66-07, 58-64-32.

«Т-28 Х4М» маркали янги тракторимни «Жигули» автомашинасига алмаштираман ёки сотаман. Телефон: 78-81-74

Тошкент шаҳар ТТЗ даҳасидаги яхшиланган планировкали, гаражли, биринчи қаватдаги 3 хонали квартира сотилади. Тел: 61-38-59.

«Созидание» фирмаси эълон босилиб чиққан кундан бошлаб

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.
МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Телефон: 32-54-89.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги яккаҳокимликка қарши кураш ва нархлар сиёсатини олиб бориш бош бошқармасининг бош назорат — тафтишчиси

Суннат АЪЗАМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан хабар қилади ва марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда яқин кишиларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг «Нафосат» журнали жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директори И. Ш. Шоғуломовга ўғли

Алишер ШОҒУЛОМОВнинг

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Ш. Шоғуломовга ўғли

Эркин ШОҒУЛОМОВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.
Жиноятчиликка қарши кураш —33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.

Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Қаршида — 3-25-79;
Навбатчи муҳаррир: У. ФАЙЗИЕВА.
Нукусда — 2-42-62;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 165.896 нусха
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
Г—221. № 82.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6